

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

## БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ  
ҲАФТАЛИК, ТАҲЛИЛИЙ НАШРИ

ISSN 2010-6602

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

2021 ЙИЛ 3 ФЕВРАЛЬ

№ 04 (1287)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори 2021 йил 26 январда 3285-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

### ID-карта ёки ҳайдовчилик гувоҳномаси ёрдамида банк хизматидан фойдаланиш мумкин

Ҳужжатга асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган 7 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатга тегишли ўзгартиришлар киритилиб, унда фуқаролар паспорти билан бир қаторда идентификация ID-карта ёки миллий ҳайдовчилик гувоҳномасидан фойдаланган ҳолда банк хизматларидан фойдаланишлари мумкинлиги белгиланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6065-сонли Фармонида асосан 2021 йилдан бошлаб идентификация ID-карталарини бериш тизими жорий этилган.

Шу билан бирга, 2017 йил 19 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ички ишлар органлари тизимида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш ва тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 389-сонли қарорининг 6-бандига асосан янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасига шахсни тасдиқловчи расмий давлат ҳужжати мақоми берилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга киритилган мазкур ўзгартиришлар банк ва миқоз ўртасида шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини тақдим этиш билан боғлиқ тушунмовчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Матбуот хизмати

## БАНК ФИРИБГАРЛАРДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНМОҚДА?

Бугунги кунда фирибгарликнинг турли кўринишлари мавжуд. Шулардан бири бу – банк ипотека кредитини ўз манфаати йўлида ишлатиб юборишдир. Яъни шахс ўзига тегишли ёки бирор яқин қариндошини уйини гўёки иккиламчи бозордан уй харид қилаётгандек кўрсатиб, ипотека кредити олади. Мазкур маблағни эса бошқа йўналишга сарфлайди. Бу каби қинғирликлар шу кунгача кўп бор кузатилган. Бунинг олдини олиш мақсадида "Қишлоқ қурилиш банк" қандай чора кўрмоқда?



Шу каби саволларга яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Аҳолини уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлашда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" иштироки" мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида жавоб берилди. Тадбирда банк Бошқаруви раҳбарияти ва банкнинг тегишли таркибий тузилмалари масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 3-саҳифада)



## ЖАҲОН БАНКИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Жорий йилнинг 1 февраль кuni Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзаков Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Лилия Бурунчук бошчилигидаги Жаҳон банки делегацияси билан икки томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиш учун учрашув ўтказди.



(Давоми 2-саҳифада)

### ЯХШИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИДА ҚАНДАЙ ХИСЛАТЛАР БЎЛИШИ КЕРАК?



6 >

ДУНЁНИНГ  
ЙИРИК  
ЗАХИРА  
ФОНДИ  
НЕФТГА  
ИШОНМАЙ  
КЎЙДИ



8 >

МИРОВЫЕ  
ЦЕНТРОБАНКИ:  
ОБЩИЙ ОБЪЕМ  
ДОЛГОВ В МИРЕ  
УВЕЛИЧИЛСЯ В  
2020 ГОДУ ДО  
\$272 ТРЛН.



13 >



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 декабрь куни "Ўзбекистон Ёшлар Форуми"да ёшлар билан учрашуви тарихий воқеага айланиб улгургани ҳеч кимга сир эмас.

## "АГРОБАНК" БОШҚАРУВИ РАИСИ ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ



Мазкур учрашувда барча даражадаги ҳокимлар, вазирлар ва масъул раҳбарларга ёшлар билан учрашувларни мунтазам равишда йўлга қўйиши, ёшларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиб, ижросини таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилганди.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб "Агробанк" АТБ Бошқаруви раиси Рустам Маматқулов банкдаги ёш ходимлар билан мулоқотда бўлиб, ёшлар билан ишлаш самарадорлигини янада ошириш, йўл қўйилган мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аҳоли ва миқозларга банк хизматларни кўрсатишда сифат ва иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг



"Ўзбекистон Ёшлар Форуми" ва Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда фаол бўлишга ундади.

Самимий ва дўстона руҳда ўтган мазкур учрашувда банк раҳбарияти ёшларнинг орзу-истаклари, ижтимоий муаммолари, банкнинг истиқболдаги вазифалари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Ёшлар билан учрашувларни доимий тарзда ўтказиб борилишига келишиб олинди.

Банкнинг Бош офис, вилоят бошқармалари ва туман филиаллари ёшлари учрашуви карантин талаблари асосида видеоконференция тарзда "ВКС" платформаси орқали бўлиб ўтди.

## ЖАҲОН БАНКИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Учрашув чоғида ўзаро ҳамкорликнинг жорий ҳолати, лойиҳаларнинг амалга оширилиши, шунингдек, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтиришнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди. Хусусан, 2020 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича Банк кредит маблағларининг 1 млрд. доллардан зиёд қисми ўзлаштирилганлиги таъкидланди. Бу, Жаҳон банки вакиллари билан сўзларига кўра, минтақада энг яхши кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон томони пандемия шароитида Жаҳон банки COVID-19 тарқалишига қарши курашиш, тадбиркорлик фаолиятига қўмаклашиш ва муҳим ижтимоий-иқтисо-

нинг амалий жиҳатларини муҳокама қилишга бағишланган Афғонистон, Покистон ва Ўзбекистон Ҳукуматлари делегациялари иштирокида бўлиб ўтаётган юқори даражадаги уч томонлама музокараларга алоҳида эътибор қаратилди. Л.Бурунчук, ушбу лойиҳанинг Марказий Осиё иқтисодий ўсишини таъминлаш, минтақавий алоқаларни мустаҳкамлаш ва транзит салоҳиятини тубдан юксалтириш нуктаи назардан стратегик аҳамиятини таъкидлаб, Жаҳон банки раҳбарияти унинг муҳимлигини тўлиқ аълоқлаштириш ва Ўзбекистон Ҳукуматининг уни илгари суриш бўйича қатъий саъй-ҳаракатларини олқийлаётганини айтди.

Учрашув якунлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, инфратузилма ва ижтимоий соҳани замонавийлаштиришга алоҳида урғу берилиб, Ўзбекистонни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, шерикликни мустаҳкамлаш тўғрисида келишувга эришилди.

## ИККИ МИЛЛИОН ДОЛЛАРИЛИК БИТИМ

Жорий йилнинг 28 январь куни "ESC" KazakhExport" ОАЖ вакиллари-нинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи давомида компания ва "ASIA ALLIANCE BANK" раҳбариятининг учрашуви бўлиб ўтди.



Ташриф чоғида Оқтўбе вилоятида жойлашган гўшт кластери маҳсулотларини Ўзбекистонга экспорт қилиш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида битим имзоланди. "ASIA ALLIANCE BANK" ва

"ESC" KazakhExport" ОАЖ лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун 2021 йил учун ҳисоблаб чиқилган дастлабки келишилган сумма 2 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

"Траст-банк" хусусий акциядорлик банки Наманган, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида учта янги халқаро пул ўтказмалари шохобчаларини очди.



## УЧТА ХАЛҚАРО ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ ШОҲОБЧАСИ ОЧИЛДИ

2021 йилнинг 27 январидан бошлаб, банкнинг Наманган филиали қошидаги "Косон-сой", Андижон филиали қошидаги "Шаҳрихон" ва Қарши филиали қошидаги "Косон" банк хизматлари марказларида ўз иш фаолиятини бошла-

ган янги халқаро пул ўтказмалари шохобчалари жисмоний шахсларга "Western Union", "Contact", "MoneyGram", "Юнистрим" ва "Золотая корона" халқаро пул ўтказмалари тизими орқали хизмат кўрсатади.

## "ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК": ФИРИБГАРЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Сўнги пайтларда интернет орқали олди-сотди қилинадиган сайтларда фирибгарлик ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Фирибгарлар алдов йўли билан сотувчи ва харидорлар карталаридан пул маблағларини ечиб олмақдалар.



Алдовга тушиб қолмаслик учун уларнинг қандай ишлашини билиш, зийракликни йўқотмай, оддийгина қоғда-ларга амал қилиш кифоя.

Тасдиқлаш қодини ҳеч кимга эълон қилманг! Ҳеч қачон, ҳеч кимга СМС хабар орқали телефонингизга келган картангиз бўйича операцияларни тасдиқловчи кодни маълум қилманг. Ушбу кодни билган фирибгарлар, бир неча дақиқа давомида картангиздаги бор пулни ечиб оладилар.

Картангиз расмини жўнатманг! Пулни олиш учун харидорга картангиздаги 16

рақамли сонни билиши кифоя, картангиз амал қилиш муддатини беркитиш зарур.

Ўзини банк ходими деб таништираётган инсонларга ишонманг! Агар сизга банк ходими кўнғироқ қилса, унинг рақами сизнинг телефонингизда намоён бўлади. Агар рақам беркитилган ёки банкнинг норасмий телефон рақами бўлса (банкларнинг телефон рақамлари доимий равишда ижтимоий тармоқларда ва сайтларда эълон қилинади) – ҳеч қачон ўзингизнинг шахсий маълумотларингиз ва картангиз маълумотларини айтманг.

## БАНК ФИРИБГАРЛАРДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНМОҚДА?

(Бошланиши 1-саҳифада)

– Албатта, аҳоли ўртасида ипотека кредитини ўзлаштириб юбориш каби ҳолатлар аввал ҳам бўлган, – дейди Дастурлар доирасида ипотека кредитлаш департаменти бошлиғи ўринбосари Дилшод Ҳасанов. – Бунинг олдини олиш мақсадида банкимиз томонидан иккиламчи бозордан уй олувчи мижозларга бир неча талаблар қўйилади. Булар шахс ўша уйга пропискага ўтиши ва доимий равишда ўша хонадонда истиқомат қилиши лозим. Бу доимий равишда банк томонидан монитор қилиб борилади. Агар шартномада қайд этилган талаб бузилса банк шартномани бекор қилади.

Шунингдек, тадбирда нима учун ипотека кредитини олишда ойлик маош 10 млн. сўмдан ошиқ бўлиши мумкин эмас, деган савол берилди.

– Бу талаб Осиё тараққиёт банкининг талабидир. Чунки Осиё тараққиёт банки бизга маблағ ажратишда асосан кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак бериш мақсадида маблағ ажратган. Албатта, Осиё тараққиёт банкининг ҳар бир талабининг ўзига яраша сабаблари бор. Аммо банкимиз томонидан мижозларнинг таклиф ва мурожаатларини инобатга олган ҳолда Осиё тараққиёт банк билан айрим талабларни ўзгартириш борасида ишлар олиб боряпмиз. Бу жараёнда 10 млн. сўмлик талабни ҳам қайта кўриб чиқиш мақсад қилинган, – дейди Д. Ҳасанов.

Тадбир давомида бугунги кунда “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан ипотека кредитлари янги тартиб асосида бирламчи уй-жой бозорида квартира учун, бирламчи ва иккиламчи уй-жой харид қилиш ва таъмирлаш ҳамда



“Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси иштирокида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган арзон уй-жойлар учун ажратилаётгани хусусида батафсил маълумот берилди.

Қайд этилишича, ҳозирда бирламчи уй-жой бозорида квартира учун “Қишлоқ қурилиш банк” филиалларида янги тартиб доирасида қурилган, шунингдек, янги тартиб доирасидан ташқари фойдаланишга топширилган санадан кўпи билан икки йилдан ошмаган, пудрат ташкилоти ҳисобида бўлган кўп квартиралар уйлардаги хонадонларни таклиф этувчи бозордан харид қилинадиган уйлар учун кредит шартномалари тузилмоқда. Мазкур ипотека кредитлари бозор ставкалари асосида 20 йил муддатга, бошланғич бадал қишлоқ жойларда сотиб олинган хонадон қийматининг 10 фоизидан, шаҳарларда эса, 20 фоиздан кам бўлмаган фоиз миқдорида таклиф этилмоқда.

Шунингдек, матбуот анжуманида янги тартиб доирасида субсидия тўловларини амалга ошириш механизмлари ва шартлари бўйича ҳам батафсил маълумот берилди.

Янги тартиб доирасида бирламчи уй-жой бозорида квар-

тира харид қилиш мақсадида, банкка мақсадли маблағлар ажратилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан 1,0 трлн. сўм миқдорида Бош шартнома имзоланган. Ўтган вақт мобайнида банк томонидан 1 052 нафар фуқарога 205,73 млрд. сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. Шундан 286 та фуқаронинг 56,988 млрд. сўмлик қисми учун давлат бюджетидан субсидия тўловлари асосида ажратилди.

Банк томонидан ажратилаётган ипотека кредитларининг яна бир йўналиши, бирламчи ва иккиламчи уй-жой харид қилиш ва таъмирлаш учун мўлжалланган ва “Ўзбекистон ипотека қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Бунинг учун компания билан 189,75 млрд. сўмлик бош шартнома имзоланди.

Маълумки, банк томонидан “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК иштирокида қурилаётган уй-жойлар ҳам учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратиб келинмоқда. Бундай кредитлар 1 йиллик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга берилмоқда. Кредит фоиз ставкаси дастлабки 5 йил давомида қатъий белгиланган 7 фоиздан Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача бир меъёрга ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврларда қайта молиялаштириш ставкасида ажратилади.

Бу борада банк томонидан ўтган йили фуқароларга 787,828 млрд. сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Тадбир сўнггида журналистларни қизиқтирган барча саволларига банк мутахассислари томонидан батафсил жавоб берилди.

Уй-жой ўзбек халқи учун ҳамиша бирламчи эҳтиёж бўлиб келган. Қолаверса, юртдошларимиз учун бошпана – чинакам бахт ошёни. Шу боис уй-жойли бўлишни “Ватанли бўлиш” деган ибора билан таърифлаб келаемиз.

## ХАЛҚ БАНКИ КРЕДИТЛАРИ БИЛАН 557 ОИЛА УЙЛИ БЎЛДИ

Аммо иморат солиш ёки тураржой харид қилиш осон эмас. Масалан, кўпқаватли уйдан хонадон харид қилиш учун 20-30 йиллаб сандиқда пул жамғаришга тўғри келади. Шундаям, бундан рўзғоридан орттирилганлар эплайди. Қўли калтароқ, ночор ёки кам таъминланган оилаларга эса йўл бўлсин.

Давлатимиз, ҳукуратимиз бир неча йилдирки, шу ҳақда қайғуряпти, мақбул ечимларни изламоқда. Эҳтиёжманд одамларимизни ҳам бахт ошёни – уй-жой билан таъминлаш чораларини кўраётир.

Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 1 майдаги “Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори айни шу зарурат тўғрисида қабул қилинган эди.

Шунингдек, 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ, уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди. Мазкур ҳужжатга кўра, аҳолига ипотека кредитлари бўйича субсидия бериш тартиби белгиланди.

Юқоридаги ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда 2020 йилда шаҳар ва қишлоқ жойларда янги тартибга мувофиқ кўп квартиралар уй-жойлар қуриш ва субсидиялар тўлашнинг мақсадли мўлжаллари тасдиқланган бўлиб, жумладан, қишлоқ жойларда ипотека кредитлари фоиз ставкасининг бир қисмини қоплаш учун 3 880 та субсидия ва шаҳарларда ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадал ва фоиз ставкасининг бир қисмини қоплаш учун 11 405 та субсидия тўлаши белгиланган бўлиб, ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан 889 млрд. сўмлик маблағлар ажратиш кўзда тутилган.



2021 йил 1 январь ҳолатига кўра субсидия олиш учун Давлат хизматлари марказига 43 546 ариза келиб тушган. Улардан 6 101 таси маъсул ташкилотларда ва 1 474 таси ҳудудий комиссиялар томонидан кўриб чиқилмоқда, 24 268 та ариза ижтимоий мезонларга мос келмаганлиги сабабли рад этилган, 11 703 та ариза бўйича субсидия ажратиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган.

1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан тақдим этилган буюртмалар асосида давлат бюджетидан 2 659 нафар фуқарога ипотека кредитлари бўйича 65,8 млрд. сўмлик субсидиялар тўлаб берилди. Жумладан, шаҳарларда 2 395 нафар фуқарога бошланғич бадал ва фоизларни бир қисмини қоплаш учун 64,9 млрд. сўм ҳамда қишлоқ жойларда 264 нафар фуқарога фоизларни бир қисмини қоплаш учун 0,9 млрд. сўм тўлаб берилган.

Рақамларни кўриб амин бўлиш мумкинки, давлатимиз томонидан берилган энгилликлардан фойдаланиб минг-минглаб оилалар уйли бўлмоқда. Хусусан, Халқ банки ҳам бу борадаги ишларда фаол иштирок этаётир. 2020 йилда 557 та оила Халқ банкидан ипотека кредити олиб, ўзининг шахсий уйларига эга бўлди. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун банк томонидан фуқароларга 132 млрд. 883,8 млн. сўм ипотека кредитлари ажратилди.

Жорий йилда ҳам бу борада хайрли ишлар давом эттирилади.

Ўз мухбиримиз

Банк Ахборот хизмати



# “БАЛИҚ СКЛЕТИ”

Хабарингиз бор, жаҳон иқтисодий инқирози бошланган кезлар дунёдаги жуда кўп иқтисодчи олимлар инқироз сабабини ўрганар эканлар, уларга энг маъқул келган метод бу – муаммоларни балиқ склети кўринишида ечиш бўлди. Чунки балиқ склети рамзи деярли барча мамлакатларда очлик ва қашшоқлик рамзидир.

# НАЗАРИЯСИ



“Балиқ склети” схемаси – муаммонинг бутун доирасини ифода этиш ва унинг ечимини топишга имконият беради. Тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради. “Балиқ суюғи”нинг юқори қисмига муаммо ичидаги муаммо ёзилади, пастки қисмига эса-ушбу муаммо ичидаги муаммо амалда мавжуд эканлигини тасдиқловчи фактлар ёзилади.

Бу диаграмманинг муаллифи аслида япон иқтисодчи олими Ишикавадир. Муаммонинг бу тарзда таҳлил қилиш дунёдаги бошқа иқтисодчи олимларга маъқул келгани учун бу назариядан ҳамма фойдалана бошлади. Муаммоли вазият мана бундай шартларга риоя қилинган тақдирдагина ижобий натижалар беради.

Жаҳон иқтисодий инқирозини таҳлил қилишда олимлар ўзаро мунозарага киришганда ва иқтисодиёт йўналишидаги талабаларга дарс ўтганда – амалий ишлаш усули, баҳс-мунозара, фикр алмашиш, муҳокама қилиш, “Нима учун” технологияси ҳамда “Балиқ скелети” схемасидан

кенг фойдалана бошлади. Булар муаммони интерфаол методда ечиш ҳисобланади.

Дарвоқе, жаҳон иқтисодий инқирози ҳақида гапирганда, шунинг эслаб ўтиш жоиз. Бухронга сабаблар – кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорида ўз манфаатини кўзлаган чайқовчи (спекулянт) банкларнинг кўпайиб кетгани, банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилияти пасайгани, кредит бозорида пул етишмовчилиги ҳамда молия ва банк муассасаларида иқтисодий заифлик асосий сабаблардир.

Жаҳон Марказий банки облигация заёмлари бозори сифатида урушдан кейинги даврдан бошланди. Ўтган асрнинг 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон ссуда бозорида икки параллел бозорлар: анъанавий чет эл заёмлари ва еврозаёмлар бозорлари хизмат кўрсата бошлади. 70-йилларда эса ўрта ва узоқ муддатли чет эл ва еврокредитлар бозорида операциялар сони кескин ошиб кетди ва 80-йилларга келиб заём операциялари бу умумий суммасининг тахминан 80 фоизини ташкил қилди.

80-йилларнинг ўрталарига келиб ссуда капиталлари жаҳон бозорида қимматли қоғозлар (хусусан, облигациялар) билан операциялар солиштирма миқдори тубдан кўтарилди. Бунга сабаб тўғридан-тўғри халқаро молиявий кредитлашнинг техник меъёри фалияти кенгайиши ва банк кредитлаш маблағларини пасайиши эди. Халқаро капитал бозорининг институционал таркиби инвесторлар улуши ортиши томон ўзгарди.

Шундай қилиб, охириги 35 йил ичида жаҳонда жиддий сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар бўлиб ўтди. Юқори даражадаги ўзгаришлар жаҳон Марказий банки глобаллашуви ва халқаро зайёмларда информацион технологияларнинг таъсир этиши билан боғлиқ. Бу тенденция глобал молия бозорида операцияларда иштирокчилар ортишига имкон туғдирди ва бозор сегментлари ўртасидаги фарқни йўққа чиқарди, қарздорлар ва кредиторларга қимматли қоғозлар портфели бошқаруви ва молиялаштириш билан боғлиқ имкониятлар доирасини янада кенгайтди. Бу тенденция ривожланаётган давлатлар сингари Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Энди сўзимиз аввалида айтганимиздек, жаҳон иқтисодий инқирозини “балиқ склети” назарияси чизмасини кўриб чиқинг.

Хулоса қилиб айтганда, Молия бозорида молиявий воситалар ҳаракати жамғарувчи ва фойдаланувчи ўртасида боради. Шу сабабли иқтисодиёт тармоқлариаро молиявий воситалар (ресурслар)ни молия бозори орқали тақсимлаш ва қайта тақсимлаш самарали жараён эканини кузатиш мумкин.

**Шаҳодатбону  
ИМОМНАЗАРОВА  
тайёрлади**

ЖАРАЁН

“Хукуматнинг бизнесга “ёрдами” худди хукумат таъқиблари сингари зарарли...хукуматнинг миллий фаровонликка хизмат қилишининг ягона усули-бу аралашмаслик”

Айн Рэнд, америкали ёзувчи ва файласуф


## НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВЛАР ЎТКАЗГАН МАНСАБДОР ШАХСЛАР ЖАЗОЛАНДИ

Дарҳақиқат, тадбиркорлар фаолиятига аралашмаслик, уларга эркинлик бериш орқали ишбилармон муҳитига давлат катта кўмак кўрсатади. Қатъий қоидалар ва талаблар тадбиркорларни ўз бизнесини ривожлантиришдан чалғитади ва натижада давлатга нисбатан ишончсизлик юзага келади.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун аввало содда ва самарали қонунчилик базасини яратиш зарур. Шулар билан билан бир қаторда, давлат органларининг роли ҳам муҳимдир, яъни яратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига риоя этиш ва ваколатни суиистеъмол қилмасликдир.

Ваколатнинг суиистеъмол қилиш ҳолатларидан кўп учраб турадиганидан бири бу тадбиркорларнинг фаолиятида ўтказиладиган текширувлар. Айнан шу сабабли, ушбу текширувларни қонунийлигини устидан назорат қилиш мақсадида Бизнес-омбудсманга тегишли мониторинг олиб бериш ваколати берилган.

Мисол тариқасида, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекцияси ва Кадастр идораси ходимлари томонидан ўтказилган қўшма текширувларни келтирсак бўлади.




Мазкур текширувлар Тошкент вилоятида фаолият олиб борувчи “N” МЧЖ (номи ўзгартирилган) фаолиятида ўтказилиб, текширувлар якуни бўйича тадбиркорлик субъектига нисбатан суд орқали жарима жазоси тайинланганлиги маълум бўлган.

Мониторинг жараёнида, Бизнес-омбудсман томонидан юқоридаги текширувлар электрон рўйхатга олиш ягона тизимга киритилмасдан ҳамда текшириш ўтказиш ҳуқуқи берилмаган ходимлар томонидан ноқонуний равишда ўтказилганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекциянинг масъул ходимлари томонидан ўтказилган текширувлар ноқонуний деб топилди. Шу билан бирга, текширувларда иштирок этган Кадастр агентлигининг 9 нафар мансабдор шахсларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Хулоса қилиб айтганда, ваколатга эга бўлиш бу биринчи навбатда катта масъулиятдир ва ундан фойдаланиш бизнес муҳитига зарар етказишга эмас, балки уни ривожланишига хизмат қилиши керак.

**Бизнес-омбудсман  
расмий саҳифасидан олинди**



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2021 йил 9 январда ички валюта бозорида валюта олди-сотди операцияларининг амалга оширилишини янада такомиллаштириш борасида қарор қабул қилинди.

**Ички валюта бозорида  
валюта олди-сотди  
операцияларининг  
амалга оширилиши янада  
такомиллаштирилмоқда**



Мазкур қарор билан "Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган валюта интервенциялари стратегияси" тасдиқланди. Стратегияда Марказий банкнинг валюта интервенциялари тамойиллари, шакллари ҳамда интервенцияларни амалга оширишнинг мақсад ва вазифалари қайд этилди.

Қарорга мувофиқ, 2021 йилнинг 15 февралдан бошлаб, ички валюта бозорида амалга оширилмайдиган валюта олди-сотди савдолари бўйича қуйидагилар жорий этилади:

– Ўзбекистон республика валюта биржасида савдо сессиялари амалдаги "фиксинг" усулидан "колл аукцион" ва икки томонлама узлуксиз аукцион "мэтчинг" савдо усулларига ўтказилиши;

– валюта биржасида валюта олди-сотди сўйича савдо сессияларининг соат 10:00 дан 15:00 гача "Онлайн платформа" орқали амалга оширилиши;

– валюта биржасида валюта олди-сотди сўйича ҳисоб-китобларнинг ҳозирда мавжуд Т+0 (буғунги иш куну) шаклидан Т+1 (кейинги иш куну) шаклига ўтказилиши;

– тижорат банкларининг валюта биржаси савдоларида мижозлар номидан иштирок этиш амалиётидан воз кечган ҳолда ҳўжалик юритувчи субъектлар билан валюта операцияларини тўғридан-тўғри валюта позицияси орқали амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, қарорга мувофиқ, Марказий банкнинг валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун чет эл валюталарининг сўмга нисбатан расмий курслари кунлик белгиланади ва ҳар банк иш куну соат 16:00 да Марказий банкнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилиб борилади.

Шу билан бирга, қарорда валюта бозорини ривожлантиришнинг кейинги босқичларида валюта операциялари бўйича савдо иштирокчиларининг умумэтироф этилган энг намунали амалиётларни ўз ичига олган "Этика кодекси"нинг қабул қилиниши ҳамда тижорат банкларининг "маркет-мейкерлар" сифатида иштирокини йўлга қўйиш мақсадида уларга берилмайдиган имтиёз ва мажбуриятларни ўзида акс эттирувчи "Маркет-мейкерлик фаолияти тўғрисида"ги меъёрий ҳужжат ишлаб чиқирилиши кўзда тутилган.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар ички валюта бозорининг инфратузилмасини такомиллаштириш, валюта курсининг шаклланишида тижорат банкларининг ролини янада ошириш ҳамда тадбиркорларнинг маблағларини зарур бўлган валюталарга тезкор равишда алмаштириш имкониятларини яратди.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банк Матбуот хизмати

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН АЙРИМ ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ  
ҲУЖЖАТЛАРГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

2021 йил 26 январда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
томонидан 3285-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ-6065-сон "Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги 389-сон

"Ички ишлар органлари тизимида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш ва тартибтаомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Нурмуратов М. Б.

Марказий банк раиси  
Тошкент ш.  
2020 йил 31 декабрь,  
28/7 сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
бошқарувининг 2020 йил 31 декабрдаги  
28/7-сон қарорига  
ИЛОВА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН АЙРИМ ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2007 йил 21 июлдаги 20/3-сон қарори (рўйхат рақами 1719, 2007 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 39-сон, 405-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларининг 13-бандида:

а) биринчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

"13. Чиким касса ордери бўйича пул бериш пайтида кассир пул олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (паспорт, идентификация ID-карта, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳнома, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари ёки ID-карталари, ҳарбий билет ёки ҳарбий қисмлар ёхуд ҳарбий муассасалар томонидан берилмайдиган шахсини тасдиқловчи ҳужжат) кўрсатишни талаб қилади, ҳужжатнинг номи ва рақамини, ким томонидан ва қачон берилганлигини ёзиб қўяди ва пул олувчидан имзосини қўйдиради."

б) тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/3-сон қарори (рўйхат рақами 1815, 2008 йил 22 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 195-модда) билан тасдиқланган Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 32-бандидаги "(паспорти маълумотлари)" деган сўзлар "(шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари)" деган сўз-

лар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5-сон қарори (рўйхат рақами 1834, 2008 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 276-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида йўриқномада:

а) 34-банднинг учинчи хатбошидаги "паспорти" деган сўз "шахсини тасдиқловчи ҳужжати" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 5-иловадаги "Паспорт серияси" деган сўзлар "Шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 14 августдаги 17/2-сон қарори (рўйхат рақами 1859, 2008 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 39-сон, 400-модда) билан тасдиқланган Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 9-банднинг ўн иккинчи хатбошидаги "паспорт маълумотлари (серияси, номери, ким томонидан ва қачон берилганлиги)" деган сўзлар "шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-иловадаги "паспорт маълумотлари" деган сўзлар "шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг

2018 йил 8 июндаги 20/1-сон қарори (рўйхат рақами 3022, 2018 йил 9 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.06.2018 й., 10/18/3022/1333-сон) билан тасдиқланган "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-банди учинчи хатбошидаги "паспорт" деган сўз "шахсини тасдиқловчи ҳужжат" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/21-сон қарори (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.07.2018 й., 10/18/3028/1418-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномадан 10-иловадаги "Олувчи шахснинг паспорт маълумотлари" деган сўзлар "Олувчи шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 январдаги 2/4-сон қарори (рўйхат рақами 3224, 2020 йил 10 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.03.2020 й., 10/20/3224/0312-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида низомнинг 92-банди учинчи хатбошидаги "паспорт серияси, рақами" деган сўзлар "шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

## ЯХШИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИДА ҚАНДАЙ ХИСЛАТЛАР БЎЛИШИ КЕРАК?

Изчил ислохотлар давом этаётган юртимизда раҳбар кадрларнинг ўрни тез-тез алмашишининг гувоҳи бўляпмиз. Албатта, бирор ташкилотга бошлиқ бўлиш ўнлаб кишиларни бир тану жон қилиб иш юритиш осон иш эмас. Чунки ҳар кимнинг ўз дунёқарashi бор. Шу боис, айни кунда раҳбар шахслар ўта маҳоратли ва билимли бўлиш талаб этилмоқда. Бу борада тарих саҳифаларда кўп панд-насихатлар қайд этилган. Уларнинг барчаси бугунги кунимизга ҳам асқотади.



Шарқ мамлакатлари ҳукмдорлари кишиларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришда, уларнинг бурчида учраши керак бўлган яхши инсоний хислатлар бўлиши лозимлигига катта эътибор берганлар. Чунки, раҳбар шахсидаги хислатлар мустаҳкам кадрлар тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этган. Негаки, подшо ва унинг атрофида юрган кишилар, яъни давлат хизматида юрганлар фақат ўзлари учун яшамайдилар. Улар бошқаларнинг тақдирига, ҳаётига жавобгардилар. Мамлакат ободонлиги, раият розилиги, шариятнинг амал қилиши, қолаверса, давлатнинг собитлиги подшо, вазир, амир, қоzi, муфти ва ҳоказоларнинг фаолияти, тадбири ва ишлари билан боғлиқ. Шунга кўра, элга бош бўладиган одамдан, маълум бир аниқ сифатлар бўлиши талаб этилган ҳолда, уларга бериладиган имтиёзлар ҳам аниқ ёзиб қўйилганлигини Кайковуснинг "Қобуснома" асарига ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, "Қобуснома"да Кайковус раҳбарларда қуйидаги тўрт сифат бўлишини талаб қилган:

- 1) Келиб-чиқиши ва насл-насаби тоза бўлсин;
- 2) Ақл-фаросатли, доно ва тадбирдор бўлсин;
- 3) Сипоҳ ва раият аҳволидан хабар оладиган, раҳмдил ва хушмуомала одам бўлсин;
- 4) Сабр-тоқатли ва тинчликсевар одам бўлсин.

Унинг фикрича, мана шу тўрт сифатга эга бўлган шахсни раҳбар қилиб кўтариш керак ва унга қуйидаги тўртта имтиёзни бермоқ лозим, яъни: 1) Ишонч. 2) Эътибор. 3) Ихтиёр. 4) Иқтидор. Яхши давлат хизматчиси, булардан ташқари яна узоқни кўзлаб иш тутат оладиган, ҳар қандай низо, мушкул ишни ҳам мулоиймлик билан осойишта

ҳал қила оладиган, туҳмат ва ғийбатлардан узоқроқ юрадиган одам бўлиши шарт. Агарда қайси раҳбар ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотишининг пайига тушса, уни раҳбарликдан четлатиш лозим. (Кайковуснинг "Қобуснома" асаридан)

Бу билан Кайковус мамлакат миқёсидаги кўплаб муаммоларни бартараф этишга қодир бўлган раҳбар кадрлар тизимини яратишда фақат унинг тузилишигагина эътибор қаратмай, балки раҳбарнинг шахсий фазилатларига ҳам эътибор қилишни талаб этади. Демак, ушбу фикрлардан шу нарса маълум бўладики, раҳбар кадрлар тизимини яратиш ва такомиллаштириш учун нафақат тизимнинг структурал жиҳатларига, балки раҳбар шахсининг индивидуал хусусиятларига ҳам эътибор бериш муҳим аҳамият касб этар экан.

Шу ўринда қуйидаги муҳим бир масалага эътиборни қаратмоқчимиз. Бугунги кунда биз инсонларни мансабга кўтарилганда ёки катта бойлик ва молу-мулкни кўрганда сигналишига кўп бор гувоҳ бўлиб турибмиз. Шу боисдан ҳам, Ғаззолий, Низомулмулк, Навоий ва Кошифийлар ҳам ҳокимият эгалари ҳақида гапирганда, наслу насабнинг тозаллигига алоҳида эътибор берганлигини кўраемиз. Наслу насабнинг тозаллиги деганда, фақат аслзода оилада тарбияланганлик назарда тутилган эмас, албатта. Балки наслу насабнинг тозаллиги кишининг кўзи тўқлиги, мол-давлат кўрганлиги, ўғри, каззоб одамларга қўшилмагани, ота-онаси, элу халқи ҳам бамаъни, дину диёнатли одамлар бўлганидан далолат беради.

Шу маънода, насл-насабнинг тозаллиги юқорида таъки-

длаганимиздек, раҳбар кадрлар тизимини маънавий пок ва соғлом асосда шаклланишига замин яратади. Бу ҳақда замонавий раҳбаршуносликнинг социологик йўналиши бўйича жуда кўп тадқиқотлар олиб борган Италиялик социолог Ломброзо шундай дейди, "насл-насаби маълум бўлмаган шахслар (беникоҳ туғилганлар ва ҳ.к.лар)нинг жамиятдаги нисбатининг ошиб бориши ижтимоий ҳаёт учун ўта хавfli бўлса, уларнинг мавжуд ҳокимиятни бошқариши унданда хавфлироқдир. Чунки бундай шахслар инсонлар ва жамиятга нисбатан нафрат билан улғайиб, нафрат ўлароқ яшаб ўтадилар. Бу эса ижтимоий ҳаётда маънавий муҳитни издан чиқишига олиб келади" (Комаров М. С. Введение в социологию. -М.: Наука, 1994. с. 46.) Ломброзонинг ушбу фикрлари тарихан синовдан ўтган миллий раҳбаршунослигимизнинг буюк дарғаларини юқорида таъкидлаб ўтилган гоё ва қарашлари билан нечоғлик ҳамоҳанг эканлигини кўрсатувчи далилдир. Шу маънода олиб қараганда, ушбу муаммо, яъни замонавий раҳбар кадрларни миллий тизимини яратиш ва уни илмийлик асосида такомиллаштириш масалалари тарихий сабоқсиз амалга ошмаслигини кўрсати-



ши билан бирга уни хорижий тажрибасиз ҳам рўёбга чиқариш мумкин эмаслигини билдиради.

### Шахсий намуна

Раҳбарда энг кўп талаб қилинадиган нарса шахсий намунадир. Бу борада японларга тенг келадигани бўлмаса керак. Мисол учун шу кунларда ижтимоий тармоқнинг ўзбек сегментида пойабзал тозаловчилар суврати жуда оммалашиб кетди. Бунда пойабзал тозалаётган раҳбарлар акс этган.

Сувратга шундай изоҳ берилган: Булар пойабзал тозалайдиган кишилар эмас. Аслида булар Япониядаги катта фабрикаларнинг раҳбарларидир. Улар корхонага қабул қилинган янги ишчиларнинг пойабзалини тозалайдилар. Шу тариқа ўз қалблиридаги ва янги қабул қилинган ишчилар қалбидаги кибри синдирадилар. Японияда бошлиқлар бошқа ходимлар сингари оддий ишчидир. Бошлиқларда кўполлик ва ходимларда уларга нисбатан ҳушомад йўқ. Шунинг учун улар жамияти гуллаб-яшнамоқда.

*Раҳбар шахсий намунаси баркамоллик ва етуклик уйғунлигидир. Унда шахнинг нафақат зукколиги ёки маърифатлилиги, айни пайтда ён-атрофдагиларнинг ҳол-аҳволини тушунган ҳолда ижобий томонга ўзгартириш фаолиятини ҳам назарда тутати.*

Раҳбардаги ўзига хос талабчанлик, меҳрибонлик ҳамда масъулият жамоа аъзоларида ҳам жавобгарлик ҳиссининг шаклланишига сабаб бўлади. Малакали раҳбар кадрлар тизимини муваффақиятли шакллантириш учун ижтимоий психология, раҳбар психологияси, бошқарув психологияси каби фанларнинг яхши ўзлаштириши учун бор имкониятларни ишга солиши керак.

Хуллас, жамоага раҳбарлик қилиш катта санъат. Раҳбар – устоз, мураббий, раҳбар – миллат тарбиячиси, жамиятимиздаги масъул шахс. Унинг машаққатли меҳнати натижаси ўлароқ, келажак ворислари камол топиб, юрт равнақ топиб бораверади.

ОЙНА

## МАДДОҲНИНГ ҚИСМАТИ

Садри Зиё шундай ёзади: Салжуқий ҳукмдорлардан бири Султон Санжарнинг саройида Муизий деган маддоҳ шоир бўларди. У ҳукмдорнинг ўтириб туришию еган овқатигача мадҳ қилиб юрарди. Бир кун Султон Санжар овга чиқаётиб амиру амалдорлар ва яна Муизийни ҳам қўшиб олади.



Шикор пайти Султон камондан бир кийикни отаман деб адашиб Муизийни отиб қўяди. Уни овдан сўнг кўтар-кўтар қилиб саройга олиб келишади. Ўқ ўз ишини кўрсатиб Муизий ўлим тўшагида ётади ва кўп бор султонни табиблардан чақиртиради. Султон Санжар парво қилмай юриб, охири ўладиган бўлса бир бор ёнига кирганим бўлсин дейди.

